

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги “Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 157-сон қарорига асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар ҳаракат таркибини 300 дана катта сиғимли шаҳар электробуслари ва қувватлаш ускуналари билан янгилаш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзбекинвест” ЭИСМК” АЖ;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 4-бандида 300 дона катта сиғимли шаҳар электробуслари ва қувватлаш ускуналарини харид қилишни молиялаштириш манбаи этиб **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 7 йиллик муддатга, бир йиллик имтиёзли шартлар билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 0,5 фоиздан ортиқ бўлмаган маржаси қўшилган ҳолда ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобланиши**, кредит маблағларини қоплаш, фоизлар, комиссиялар ва жалб қилинаётган кредитларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ҳаражатларни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, харидларни молиялаштириш учун жалб этиладиган **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кредитлари шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида 2021-2023 йилларда харид қилинадиган 300 дона катта сиғимли электробуслар ва қувватлаш ускуналари ҳамда уларни суғурталаш бўйича “Ўзбекинвест” ЭИСМК” АЖ томонидан йиллик 0,5 фоизли имтиёзли тарифлар асосида тузиладиган суғурта шартномалари** ҳисобланиши тавсия этилиши кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ** томонидан 300 дона катта сиғимли электробуслар ва қувватлаш ускуналари хариди учун кредит маблағлари ажратилишида маблағлар тақчиллиги юзага келганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг вақтинчалик бўш маблағларини ўрнатилган тартибда **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга** жойлаштирилиши ҳуқуқи берилиши кўрсатилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда **“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ** кредитлари билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш ҳамда 300 дона катта сиғимли электробуслар ва қувватлаш ускуналарини **“Ўзбекинвест” ЭИСМК” АЖ**да суғурталаш ҳаражатларини қоплаш учун маблағлар ажратилиши назарда тутилиши таъминлаш белгиланган.

6.4. Қарор лойиҳасининг 10-бандида **“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ** томонидан харид қилинадиган 300 дона катта сиғимли шаҳар электробуслари ва қувватлаш ускуналаридан фойдаланишнинг кафолат муддати даврида уларнинг ишдан чиққан қисмлари ўрнига етказиб бериладиган эҳтиёт қисмлар ҳамда материаллар **божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва қўшилган қиймат солиғидан озод** этилиши кўрсатилган.

6.5. Қарор лойиҳасининг 11-бандида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан тизимдаги корхоналарга бериладиган 300 дона катта сиғимли электробуслар ва қувватлаш ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, махсус мосламалар, асбоб-ускуналар ва диагностик приборлари ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар ўртасида мол-мулк берилиши, хизматлар кўрсатилиши ва ишлар бажарилиши билан боғлиқ айланмалар қўшилган қиймат ва фойда солиғи объекти бўлиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **шартномалар тузишда устунлик бериш**, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, **молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши**, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган **имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши**, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган **тарзда аралашishi**, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **таъқиқланиши кўрсатилган**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорига асосан **солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши**, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари билан берилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган.**

Юқоридагиларни инобатга олиб, тенг рақобат шароитини таъминлаш мақсадида қарор лойиҳада:

- тижорат банки ва суғурта компанияларни ушбу лойиҳани амалга оширишда танлов асосида танлаш;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини танлов савдоларида аниқланган энг яхши талабгор билан **давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий қилиш масаласини киритиш таклиф этилади.**

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси **талабларига мослаштиргандан сўнг ҳамда берилган таклифларни инобатга олган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**